



ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ШАХСИЙ ЁЗИШМАЛАРДА ГЕНДЕР ХОСЛАНГАН СЎЗЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ЭКСПЕРТИЗАСИ

Турдибаева Шоҳзода Жалолиддин қизи

Чирчиқ давлат педагогика университети магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336485>

ARTICLE INFO

Received: 07th November 2022

Accepted: 15th November 2022

Online: 18th November 2022

KEY WORDS

Гендер, лингвистик
экспертиза, ёзма нутқ,
семантик, график, Суд-
муаллифлик экспертизаси,
аноним хатлар, жиноят,
матн, ҳужжат, хулқ-атвор,
тилшунослик,
гендерлингвистика, гендер
ва жинс, идентификация.

ABSTRACT

Ўзбек тилидаги шахсий ёзишмаларда гендер хосланган сўзларни лингвистик экспертиза қилиш орқали ёзма нутқ муаллифини айнан қайси жинс вакили эканлигини аниқлаш; аноним хатлар, ҳақорат, ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ ва шу сингари қатор ҳолатларда Суд-лингвистик экспертизаси ўтказилишига қўмаклашиш.

Ғарбда ёзма нутқ орқали шахсни аниқлаш муаммоси XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб фаол ўрганила бошланди. Хусусан, инглиз олими Санфорд биринчилардан бўлиб ўзининг “Нутқ ва шахсият” номли асарида оғзаки хулқ-атвор инсоннинг шахсий хусусиятлари ҳақида ишончли маълумот манбаи эканлигини таъкидлади[1]. Шу вақтдан бошлаб кўплаб эмпирик маълумотлар тўпланди, инсоннинг лингвистик хусусиятлари ва шахсий хусусиятлари ўртасидаги боғлиқлик, яъни тилни антропоценрик жиҳатдан тадқиқ этишнинг назарий асослари ишлаб чиқилди. 1961 йилда Л. Э. Ароцкер шундай деб ёзган эди: “Ҳар бир инсоннинг лингвистик хулқ-атвори ўзига хос динамик стереотипни акс эттиради” [2.Б.141-151]. Ушбу фикрдан

англашимиз мумкинки, ҳар бир инсоннинг ёзган ёзма нутқи орқали биз у шахснинг ўзига хос бўлган белгиларни аниқлашимиз мумкин. Суд-ҳуқуқ тизимида муаллифлик ёндашувидан фойдаланиш XX асрнинг 60-йилларида бошланган ва Е. У. Бабаева номи билан боғлиқ. Айнан Е.У.Бабаева муаллиф ва матн ижрочисининг ёзма нутқ маҳоратини суд-тиббий экспертизасида тадқиқ этиш орқали биринчи бўлиб фарқлаган олимдир. Илгари муаллиф ва матн ижрочисининг ёзма нутқининг аломатлари ягона ва бўлинмас мажмуа сифатида қабул қилинган [3.Б.21]. С. М. Вул: “Суд-муаллифлик экспертизасининг предмети бу махсус билим асосида эксперт томонидан белгилаб қўйилган муаллифлик ҳужжатининг шахси



тўғрисида аниқ маълумотлар ва бу маълумотлар (ёши, миллати, касби, ҳудудий мансублиги, характер-хусусиятлари ва ҳ.к.) ни ҳужжат матнининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда махсус билимлар ёрдамида ўрганиш орқали аниқланади” [4.Б.81-84] , деб таърифлаган. Ёзувнинг семантик ва график ташкил этилишини яхлит ўрганиш зарурлигини таъкидлаб, С. М. Потапов шундай ёзади: “Ҳужжатнинг семантик тузилиши ва мўлжалланган мақсади ўзаро боғлиқ бўлиб, қўлёзма матнни идентификациялаш учун уни мазмунидан ажратган ҳолда ўрганиб бўлмайди” [5.Б.52-62] . Демак биз қўлёзма матнларни ўрганиш давомида матннинг мақсад ва мазмун жиҳатидан келиб чиқиб муаллифнинг шахсий ёки умумий белгиларини аниқлашимиз мумкин. Ёзма нутқнинг айнан гендер хослиги бўйича ҳам қатор тадқиқотлар яратилган бўлиб, Р.Лакоффнинг тадқиқотлари бу борадаги янгиликлардан бири дейиш мумкин [6.Б.276].

Замонавий тилшуносликнинг ижтимоий фанлар билан ўзаро алоқадорлиги натижасида янги йўналишлар гендеролингвистика, социолингвистика, психолингвистика, лингвистик экспертиза, лингвокультурология, компьютер лингвистикасининг шаклланишига олиб келди. Бугунги кунда ҳал қилинмаган асосий муаммолар бу гендер ва жинс тушунчалари бир хил маъно англатадими, гендер ва тендер тушунчаларини ўзаро синоним ҳолатда қўллаш мумкинми каби саволларнинг туғилиши эркаклар ва аёлларнинг оғзаки ҳамда ёзма нутқидаги

фарқларни аниқлаш уларнинг лингвистик хусусиятларини таҳлил қилиш асосида вужудга келган. Мавзуни ўрганиш давомида ёзма матн муаллифининг жинсини, ёшини аниқлаш учун матн параметрларини текшириш тартибини ишлаб чиқиш, шунингдек, эркаклар ва аёлларнинг турли хил жинсий ролларни амалга оширишда оғзаки хулқ-атвор моделини ишлаб чиқиш ва бу орқали гендеролингвистика ва лингвистик экспертизага ҳисса қўшиш мақсад қилинган.

“Ҳозирги кунга келиб жаҳон тилшунослигида тилни унинг эгаси билан боғлаб ўрганиш усулига ўтилди. Бу эса ўз навбатида, замонавий тилшуносликда янги соҳаларининг юзага келишига замин яратди. Бунинг натижаси ўлароқ замонавий тилшуносликнинг қатор соҳалари шаклланиб, тараққиёт босқичига кўтарила борди. Тилнинг амалий функцияси фаннинг турли тармоқларида кенг ишлай бошлади. Юқоридаги омиллар қатор тадқиқотларнинг яратилишига омил бўлди” [7.Б.194]. Ёзма нутқ муаллифининг лингвистик хусусиятларини аниқлашда гендер нуқтаи назаридан биологик фарқланишларнинг намоён бўлишида ижтимоий омилларнинг таъсири, таълим ва атроф-муҳитнинг роли қай даражада эканлиги ва жамиятда турли жинс вакиллари ўзаро бир-бирининг ролини бажаришга киришганда, яъни гендер ролини ўзгартирган вазиятда нутқида қандай ўзгаришлар юзага келади, қандай ўзгаради ва бу ўзгаришларнинг лингвистик экспертизада номаълум матн



муаллифини аниқлашдаги ўрни каби масалалар замонавий тилшуносликнинг долзарб ва тадқиқ этилиши лозим бўлган муаммоларидан биридир. Лингвистик экспертиза ва лингвистик экспертология тушунчалари замонавий тилшунослик терминологиясида янги атама сифатида кириб келган бўлиб, бу тушунчани тилшунослик ва суд-ҳуқуқ тизимини боғлаб турувчи ўзига хос йўналиш дейиш мумкин. Лингвистик экспертиза бу амалий тилшуносликнинг суд тиббий экспертизаси билан боғлиқ ҳолда шаклланган тармоғи бўлиб, ушбу соҳада мавжуд бўлган илмий тадқиқотлар натижаларига асосланиб, номаълум матн муаллифи ва ижрочисини аниқлаш ҳамда жиноят ижрочисининг тахминий портретини яратиш асосида керакли хулосани чиқариш билан боғлиқ муаммолар устида иш юритади.

Жаҳон тилшунослигида, хусусан, рус тилшунослигида матн муаллифини аниқлашга бағишланган қатор илмий тадқиқотлар яратилган. Ушбу мавзунинг аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, тадқиқот давомида ўзбек тилида яратилган ёзма нутқ параметрларини текшириш ва матн муаллифига хос идентификацион белгиларни аниқлаш, ўзбек тилидаги шахсий ёзишмаларда эркаклар ва аёллар нутқида учрайдиган лингвистик параметрлар орқали матн муаллифининг шахсиятига доир маълумотларни аниқлаш, ёзма нутқининг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш ва бу орқали матн муаллифига хос стереотиплар: жинси, ёши, унинг қайси ҳудудга мансублиги ва маълумоти ҳақида аниқ бир хулосавий маълумотга эга бўлиш мумкин.

Мавзунинг назарий аҳамияти шундаки, мавзуни ўрганиш давомида ёзма матн муаллифининг жинсини, ёшини аниқлаш учун матн параметрларини текшириш тартибини ишлаб чиқиш, шунингдек, эркаклар ва аёлларнинг турли хил жинсий ролларни амалга оширишда оғзаки хулқ-атвор моделини ишлаб чиқиш ва бу орқали шахсият назариясига, шу жумладан, лингвистик шахс назариясига, лингвистик гендерология ва лингвистик экспертизага ҳисса қўшиш мумкин албатта.

Мавзунинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўзбек тилида аёллар ва эркаклар ёзма нутқида юз берадиган графологик ўзгаришларни, ҳарф шакллари яратишдаги ўзига хосликларни, шунингдек, ўрганилаётган материал сифатида таҳлил қилинган матнлар орқали аёллар ва эркаклар нутқида кўп учрайдиган, матн муаллифининг гендер хусусиятларини аниқлашга ёрдам берадиган идентификацион белгилар: графологик, лексик-семантик, услубий ва грамматик ўзига хосликларни аниқлаш ҳамда аёллар ва эркаклар нутқига хос идентификацион белгилар тизимини ишлаб чиқиш шунингдек мавзуни ўрганиш натижасида аёллар ва эркаклар нутқига хос идентификацион белгиларининг икки тури: муаллифнинг вазият ва позициявий ролига боғлиқ бўлмаган ёзма нутқ белгилари ва осонгина тақлид қилиш мумкин бўлган белгилари орқали табиий ва спонтан нутқларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилидаги шахсий ёзишмаларда гендер хосланган сўзларни лингвистик экспертиза қилиш



орқали матн муаллифининг жинси, ёши, унинг қайси ҳудудга мансублиги ва маълумоти ҳақида аниқ бир хулосавий маълумотларга эга бўлиб, аноним хатлар, ҳақорат, ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ ва шу сингари қатор ҳолатларда суд тиббий экспертизаси ўтказиш вақтида жиноят ижрочисининг тахминий портретини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Гендер хослигига кўра идентификацияни амалга оширишда ёзувнинг топографик

хусусияти, сўзнинг танланиши, сўз шакллариининг қўлланиши, гапнинг грамматик қурилиши жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Муаллиф атрибутларига асосланган лингвистик экспертизаларда гендер хослигини аниқлаш муҳим ва ёзма нутқда эркаklar ва аёлларга хос бўлган лингвистик хусусиятларни очиқ бериш орқали матн авторизациясини аниқлаш имконияти мавжуд бўлади.

References:

1. Sanford F. H. Speech and Personality // Psychol. Bull. 1942. 39: 811-45
2. Ароцкер Л. Е., Войнов В. К. Об использовании лингвистической статистики для установления автора анонимного текста // Криминалистика и судебная экспертиза. 1961. Вып. 3. С. 141-151.
3. Бабаева Э. У. Криминалистическое исследование анонимных документов с целью идентификации личности по признакам письменной речи. Автореф... канд. дисс-Ленинград, 1970. -21с.
4. Вул С. М. Особенности оценки следователем и судом заключения идентификационной судебно-автороведческой экспертизы //Криминалистика и судебная экспертиза. Республиканский межведомственный научно-методический сборник. -Киев: «Лыбидь», 1982. -Вып. 24-С. 81-84
5. Потапов В. В. Язык женщин и мужчин: фонетическая дифференциация // Известия АН. Серия литературы и языка, 1997. –Том 56, №3-С. 52-62
6. Lakoff. R. Language and Women's place. –NY: Cambridge, 1975. 276p
7. Mengliev B., Karimov R. Theoretical fundamentals of uzbek-english parallel corpus \\
JOURNAL OF CRITICAL REVIEWS ISSN- 2394-5125 VOL 7, ISSUE 17, 2020. Mengliev B., Sobirova Z. Some issues related to the transfer of english tourism terms in uzbek language \\
JOURNAL OF CRITICAL REVIEWS. ISSN- 2394-5125 VOL 7, ISSUE 15, 2020 \\
[http://dx. doi. org/10.31838/jcr.07.14.194](http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.14.194).